

**«Ўзэкспомарказ» МКК» АЖ ҳудудида кўргазма стендлари ва
экспозицияларни яратиш, қурилиш-монтаж ишларини ташкил этиш
ҚОИДАЛАРИ**

1. Умумий қоидалар

1.1. Ушбу қоидалар «Ўзэкспомарказ» МКК» АЖ бўлимлари ва хизматлари томонидан қурувчиларнинг фаолиятини бошқариш, ўзаро ҳамкорликни мувофиқлаштириш ва ишларини назорат қилиш учун мўлжалланган.

1.2. Қоидалар кўргазма стендлари ва экспозицияларини яратишда қуриш технологияси ва ёнғин хавфсизлиги қоидаларига риоя этилишини назорат қилишни, уларни кўргазма иштирокчиларига ўз вақтида топширишни, монтаж ва демонтаж ишларида тозалик, тартиб ва техника хавфсизлиги қоидаларига риоя қилишни тартибга солади.

1.3. Қоидалар «Ўзэкспомарказ» МКК» АЖ ҳудудида кўргазма стендлари ва экспозицияларини яратувчиларнинг ишларни ташкил этиш учун ишлаб чиқилган ва барча кўргазма стендлари ва экспозицияларини қурувчилар (маҳаллий ва хорижий) учун мажбурийдир.

1.4. Қурувчиларга, қурилиш-монтаж ишларини бошлаш учун, ушбу Қоидаларда назарда тутилган барча зарур келишувларни расмийлаштириш ва низомларни бажариш шарти билан ёзма рухсатномалар расмийлаштириш орқали «Ўзэкспомарказ» МКК» АЖ ҳудудида кўргазма ускуналари, материаллар ва кўргазма стендлари конструкцияларини олиб кириш ва олиб чиқиш, монтаж ва демонтаж ишларини бажариш учун рухсат берилади.

1.5. Агар кўргазма тадбирининг иштирокчиси монтаж ва демонтаж ишларини мустақил равишда амалга оширсан, унда ушбу қоидаларга асосан, монтаж ва демонтаж ишлари даврида иштирокчига нисбатан қурувчи мақоми қўлланилади.

1.6. Қурувчи корхона аккредитациядан ўтказиш хизмати учун бир марталик тўлов «Ўзэкспомарказ» МКК» АЖ томонидан тасдиқланган нормативига мувофиқ кўргазма доирасида ундирилади.

1.7. Ушбу қоидаларга риоя этилишини назорат қилиш кўргазмалар ва кўргазма хизмати бўлимига, техник хизмат муҳандислари ва кўргазма ташкилотчиси дирекциясига юкланади.

**2. Кўргазма стендлари ва экспозицияларини келишиш, монтаж ва демонтаж
қилиш низоми**

2.1. Қурувчи кўргазманинг монтаж ишлари бошланишидан 7 кун олдин стенд режалари ва кўргазма стендларини қуришда ишлатиладиган материалларнинг спецификацияларини, шунингдек, қуриладиган стенд ҳақидаги барча маълумотларни (стенд режалари, электр тармоғи, фермаларга маҳкамлаш, агар мавжуд бўлса) санитария, техника ва ёнғин хавфсизлиги меъёрларига мувофиқлигини келишиш учун «Ўзэкспомарказ» МКК» АЖга тақдим этиши шарт. Шунингдек, кўргазма монтаж ишлари бошланишидан 7 кун олдин асосий ва қўшимча хизматлар кўрсатиш учун ёзма ариза тақдим этилади.

2.1.1. «Ўзэкспомарказ» МКК» АЖ қурувчи корхона билан аккредитация хизматлари кўрсатиш бўйича шартнома тузади. «Ўзэкспомарказ» МКК» АЖ мутахассислари томонидан тақдим этилган ҳужжатлар кўриб чиқилгандан сўнг ва қурувчи корхона томонидан шартнома тўлови амалга оширилгач, ушбу кўргазма учун аккредитация хати (маълумотнома) берилади.

2.2. Кўргазма стендини қуриш, экспозицияни яратиш ва ўрнатиш учун ишлатиладиган ҳамда олиб қилиладиган барча қурилиш материаллари, уларнинг ёнғин хавфсизлиги қоидалари талабларига мувофиқлигини тасдиқловчи ҳужжатлар, шу жумладан, ишлаб чиқарувчининг техник шартлари, ёнғинга қарши ишлов берилганлигини тасдиқловчи ва бошқа ҳужжатлар олдиндан тақдим этилиши керак.

2.3. Қурувчи иш бошланишидан 10 иш куни олдин «Ўзэкспомарказ» МКК» АЖга монтаж ва демонтаж ишларини амалга оширишда умумий раҳбарликни таъминлаш учун масъул шахснинг фамилияси, исми, шарифи, алоқа воситасининг рақамларини ҳамда

павильон ва кўргазма майдонларида ишга жалб қилинадиган ходимлар (монтажчилар) рўйхатини, паспортларининг нусхаларини ёзма равишда тақдим этиши шарт.

2.4. Кўргазма стендини куриш ва ўрнатиш пайтида ёнгин хавфсизлиги, меҳнатни муҳофаза ва техника хавфсизлиги қоидаларига риоя қилиш учун жавобгарлик ишлаб чиқарувчининг масъул шахсига юкланади.

2.5. Курувчининг масъул шахси иш бошланишидан аввал ишчилар (монтажчилар) билан меҳнат муҳофазаси, ёнгин ва электр хавфсизлиги қоидаларига мувофиқ тегишли йўриқномалар ўтказиши ва билимларини текшириш орқали тегишли ҳужжатларни расмийлаштириши керак.

2.6. Ходимлар шахсий гигиена қоидаларини билишлари ва уларга риоя қилишлари керак; кўргазма майдонлари ҳудудида чекиш (бунинг учун махсус жиҳозланган жойлар бундан мустасно) ва ишдан олдин ва иш пайтида спиртли ичимликлар ичиш, шунингдек, иш жойида гиёҳвандлик ва токсикологик мастлик ҳолатида бўлиш ман этилади.

2.7. Курувчи кўргазма биноларида технологик, кўргазма ва бошқа жиҳозларни жойлаштиришда лойиҳа стандартларига мувофиқ фавқулудда чиқишлар ва ўтиш жойларини таъминлаши, шунингдек, электр панеллари ва ёнгин кранларига ўтиш йўлаклари қолдириши шарт.

2.8. Ҳар бир кўргазма стендида ушбу қоида талабларини бажариш ва ёнгин хавфсизлиги қоидаларига риоя қилиш учун курувчи ташкилот номи, масъул шахснинг фамилияси, исми ва шарифи, шунингдек, мобил телефон рақами кўрсатилган маълумот табличкаси ўрнатилган бўлиши керак.

2.9. Кўргазма стендларини қурилишида фаолият кўрсатаётган курувчи ташкилот монтажчиларининг штат таркиби бажарилаётган иш хусусияти ва шартларига мувофиқ меҳнат хавфсизлигини таъминловчи махсус кийим (костюм ва шим ёки комбинезон ва мавсум бўйича футболкалар, қўлқоплар, муҳофаза бош кийимлари), махсус пойабзал ва бошқа ҳимоя воситалари (хавфсизлик камарлари, ҳимоя кўзойнаклари) кийган бўлишлари керак. Стенд қурилишида ишлайдиган ҳар бир ишчи кийимига монтаж ташкилотининг номи туширилган ва монтажчининг фамилияси, исми ва шарифи кўрсатилган бейджикка эга бўлиши керак.

2.10. Эксклюзив кўргазма стендини (стандарт бўлмаган тузилмалар ва элементлардан йиғиладиган) олдиндан монтаж, йиғиш ва бўйаш ишлари ишлаб чиқарувчининг ишлаб чиқариш майдонларида амалга оширилади, кейинчалик алоҳида модулли тузилмалар ва элементлари «Ўзэкспомарказ» МКК» АЖга етказиб келтирилиб, йиғиш ишлари амалга оширилади.

«Ўзэкспомарказ» МКК» АЖ павильонлари ичида арралаш, кесиш, қириб ташлаш, текислаш, бўёқ бериш, материалларни қайта ишлаш ва бошқа ишларни бажаришга йўл қўйилмайди.

Кўргазма майдонида стендларни монтаж қилиш қурилиш материалларидан фойдаланган ҳолда ишлаб чиқарувчининг ишлаб чиқариш майдонларида олдиндан тайёрланган, грунт билан текисланган ва бўйланган модулли тузилмаларидан иборат стенд элементларидан амалга оширилади.

Истисно тариқасида, фақат кўргазма стендларининг таркибий элементларини чанг йиғувчи қурилма ўрнатилган электр асбоблари ёрдамида стендга сошлаб ўрнатиш ва уланган жойларини бўйашга рухсат берилади.

2.11. Баландликда ишлаш ишларини қурувчининг қурилиш ишлари бўйича масъул ходими иштирокида амалга оширилиши керак. Нарвонлар, қурилиш лесалари ва кўтариш механизмлари ёрдамида баландликда бажариладиган ишларни амалга оширишда хавфсизлик мосламалари ва шахсий ҳимоя воситаларидан фойдаланиш лозим. Юклаш ва тушириш ишларини бажаришда техника хавфсизлиги қоидаларига риоя қилиш керак.

2.12. Агар стендни ўрнатишда павильоннинг юқоридаги металл конструкцияларига маҳкамлаш талаб қилинса, маҳкамлаш ишларини фақат «Ўзэкспомарказ» МКК» АЖ монтажчилари олдиндан берилган буюртма асосида амалга ошириш ҳуқуқига эга.

2.13. Электр асбоблари билан ишлаганда шахсий химоя воситаларидан (ШХВ) фойдаланиш, электр асбоблари ва бошқа электр жиҳозларидан фойдаланиш тўхтатилганда, уларни электр қувватидан узиб қўйиш керак.

2.14. Кўргазма стендларини ўрнатиш ва йиғиш, қадокланган тара ва элементларни очиш бўйича барча ишлар иштирокчи ижарага олган майдон доирасида амалга оширилиши керак, кўргазма стендлари орасидаги ўтиш жойлари юк тараси, қадоклаш, қурилиш материаллари, конструкция, ускуналар ва экспонатлардан холи бўлиши керак.

Юкдан бўшатиш таралар (кутилар, паддонлар, паллетлар ва бошқалар) дарҳол «Ўзэкспомарказ» МКК» АЖ павильонлари ҳудудидан ташқарига ёки сақлаш учун тегишли тўловни амалга ошириб, вақтинча сақлаш омборига олиб чиқилиши керак.

2.15. Юк тараси ва кўргазма мулкани очиш пайтида ҳосил бўлган, кичик қурилиш ва кўргазма чиқиндиларини, қурувчи кўргазма залларининг транспорт эшиклари орқасидаги махсус ажратилган жойларга (контейнерларга) олиб чиқиши шарт.

Ёғоч, пластмасса (ДСП, ДВП, оргалит, пластик) ва бошқа шунга ўхшаш материаллардан тайёрланган юк таралари ва бошқа катта ҳажмдаги қадокларни, қурувчи кўргазмани монтаж ва демонтаж қилиш учун белгиланган вақтда «Ўзэкспомарказ» МКК» АЖ ҳудудидан ташқарига олиб чиқиб кетиши керак.

2.16. Қурувчига қуйидагилар тақиқланади:

- «Ўзэкспомарказ» МКК» АЖ билан келишмасдан туриб, юклаш-тушириш ишларини амалга ошириш учун автотранспортнинг кўргазма залига кириши;

- стационар электр панеллари, технологик люклар, ёнғин шкафлари ва бошқа муҳандислик ускуналари ўрнатилган жойларда қурилиш конструкцияларини монтаж қилиш;

- ёғочни қайта ишлаш ускуналарини кўргазма залларига олиб кириш ва улар орқали арралаш, текислаш ва бошқа дурадгорлик ишларини бажариш;

- кўргазма стендининг таркибий қисмларини қуриш билан боғлиқ пайвандлаш, арралаш, силлиқлаш, бўяш, металлни кесиш ускунаси ва бурчак-силлиқлаш машиналари (болгарка) билан ишлов бериш, шунингдек, павильон ва кўргазма майдонлари ичида ҳар қандай ёнғин хавфи юқори бўлган ишларни бажариш;

- павильонларга босимли идишларни, шунингдек, тез ёнувчан, заҳарли моддалар ва материалларни олиб кириш;

- ўрнатилаётган кўргазма стендининг конструкцияларини тўлиқ бўяш билан боғлиқ бўёк ишларини бажариш;

- кўргазма павильонларининг поллари, деворлари ва устунларига бўёк, лак, елим ёки бошқа олиб ташланиши қийин бўлган қопламани қўллаш;

- павильон ва кўргазма майдонлари пол қопламаларида, деворларида, устунларида турли хил тешик тешиш ишларини амалга ошириш;

- кўргазма павильонининг шип металл конструкциясига кўргазма стенди конструкциялари ва реклама воситаларини осиб қўйиш;

- юкларни ташиш ишларида полга тўшалган гилам қопламаси устидан юк ташиш мосламасини ҳайдаб ўтиш ёки босиб ўтиш;

- кўргазма стендини монтаж қилиш майдонида заруратсиз қолдириш;

- кўргазма стендининг ўрнатиш майдонидан ташқарида материаллар, кийим-кечак, поябзал ва бошқа шахсий буюмларни жойлаштириш ва сақлаш;

- қурилиш-монтаж ишлари, дам олиш ва овқатланиш вақтида бошқа қурувчиларнинг стендларидан ва кўргазма иштирокчиларига олиб келинган мебель ва жиҳозлардан фойдаланиш;

- кўргазма мебеллари ва жиҳозларини кўргазма стендининг ўрнатиш майдонидан ташқарига олиб чиқиш;

- кўргазма залининг деворларига, устунларига, деразаларига ва эшикларига ҳар қандай қурилиш конструкциялари ва материалларини суяб қўйиш;

- маълумот белгиларини деворларга, ойналарга, устунларга, кўргазма залининг полига, ёнғин шкафларига ва залнинг бошқа ички элементларига ёпиштириш ва жойлаштириш;

- «Ўзэкспомарказ» МКК» АЖ ҳудудидаги очиқ майдонлари ва павильонларининг мрамор, кафель, бетон, асфальт ва брусчаткали пол қопламаларига зарар етказиш;

- стендларини куриш вақтида гипсокартон маҳсулотлардан фойдаланиш таъқиқланади;
- стендларни демонтаж қилишда стенд конструкцияларини полга ағдариш ва стенднинг алоҳида элементларини юқоридан ерга ташлаб юбориш;
- стенд юза қисмини ювиш учун бензин, керосин, нитро эритувчилар ва бошқа тез ёнадиган аралашмалардан фойдаланиш;
- спиртли ичимликлар ёки гиёҳванд моддалар таъсири остида маст ҳолатда бўлган қурувчининг ходимларига монтаж ёки демонтаж ишларини бажаришга рухсат берилмайди.

2.17. Қурувчи, тўловни амалга оширгандан сўнг, «Ўзэкспомарказ» МКК» АЖ инвентарларидан фойдаланиш имкониятига эга.

2.18. Стандарт стендларни бадий безашда қурувчи кўргазма ускуналарида елим ёки ифлосланиш изларини қолдирмайдиган юқори сифатли оракал (ўз-ўзидан ёпишқоқ плёнка) дан фойдаланиши керак.

2.19. Кўргазма стендлари ва экспозицияларини демонтаж қилиш фақат кўргазма тугагандан сўнг бошланиши мумкин ва ҳар куни демонтаж муддатининг охири кунигача соат 18.00 дан олдин кўргазмани демонтаж қилиш ишлари тугатилиши ёки демонтаж муддатини 18.00 дан кечиктирмасдан узайтиришга рухсат олиниши керак, агар ушбу кўргазма учун демонтажни тугатиш вақти махсус белгиланмаган бўлса.

2.20. Қурувчи «Ўзэкспомарказ» МКК» АЖ ҳудудига стенд элементларини ўрнатишни бошлаш учун келишилган муддатларда олиб кириш ва демонтаж қилишнинг бир кунидан кечиктирмай олиб чиқиш, шунингдек, тақдим этилган кўргазма майдонларини белгиланган муддатларда бўшатиб қўйиш ва дастлабки ҳолатига келтириш мажбуриятини олади.

2.21. Кўргазма стендларининг барча кўргазма мол-мулки, бадий безаклари, жиҳозлари ва конструкциялари (материаллар, узеллар, деталлар) демонтаж муддати тугагунга қадар «Ўзэкспомарказ» МКК» АЖ ҳудудидан ташқарига олиб чиқилиши керак.

2.22. Қурувчи, демонтаж ишларини якунлаганидан сўнг, кўргазма стенди учун тақдим этилган майдонни қурилиш чиқиндилари, ахлат, пол қопламалари, ёпишқоқ лента, доғ ва елимдан тозалаши лозим.

3. Электротехник ишларни бажариш учун қўйилган талаблар

3.1. Кўргазма иштирокчиларининг стендларида электр ишларини бажариш учун фақат тегишли сертификатларга эга бўлган ташкилотлар ишга қўйилади.

Электр ходимларига қўйиладиган талабларга жавоб берадиган ва электр хавфсизлиги бўйича тегишли малакага эга бўлган шахсларга кўргазма стендларида электромонтаж ишларини бажариш ва электр жиҳозларига тезкор хизмат кўрсатиш учун рухсат берилади.

3.2. Барча электромонтаж ишлари Электр энергетикаси назорати давлат агентлиги бошлиғининг буйруғи билан тасдиқланган (2004 йил 13 февралдаги 84-сон) "Електр иншоотларини қуриш қоидалари", истеъмолчиларнинг электр иншоотларини ишлатиш пайтида техника хавфсизлиги қоидалари (2004 йил 2 августдаги 271-сон) ва бошқа меъёрий ҳужжатларга мувофиқ амалга оширилиши керак.

3.3. Электромонтаж ишлари экспонент томонидан тақдим этилган кўргазма стендининг режа-схемасига мувофиқ амалга оширилади, унда электр таъминоти ускуналари ва ёриткичларининг жойлашиши, электр таъминоти кучланиши, ускунанинг ҳар бир бирлиги учун юкларнинг максимал қуввати, электр жиҳозларининг электр таъминоти манбаларига уланиш нуқталари кўрсатилиши керак.

3.4. Ходимлар электромонтаж ишларига қабул қилинган пайтдан бошлаб ходимларнинг техника хавфсизлиги талабларига риоя қилишини назорат қилиш қурувчининг масъул шахсига юкланади.

3.5. Ток ўтказувчи участкалардаги (ёки уларга яқин бўлган) барча электромонтаж ишлари фақат электр қувватини узиб қўйган ҳолда амалга оширилиши керак.

3.6. Электр тармоқларини очиқ ётқизишда, агар уларнинг механик шикастланиш хавфи бўлмаса, ёнмайдиган қобикли кабеллардан фойдаланиш керак.

3.7. Очиқ жойларда ва одамлар ўтадиган жойларда кабель махсус траплар билан

ёпилиши керак.

3.8. Ҳимояланмаган электр симларини ётқизиш ва ёнадиган конструкцияларга ёритиш мосламаларини ўрнатиш тақиқланади.

3.9. Симлар ва кабелларнинг барча уланишлари ва тармоқлари фақат махсус қисқичлар ва улагичлар билан амалга оширилиши керак, симларни тўғридан-тўғри улаш орқали электр қабул қилувчиларни электр тармоғига улаш тақиқланади.

3.10. Экспозиция стендининг 380/220В (гуруҳ электр панели) кириш қурилмасига уланадиган қувват кабелли тўрт симли бўлиши керак ва бир фазали электр тармоғига уланадигани, икки симли бўлиши керак.

3.11. Стенднинг металл конструкциялари "Электр иншоотларини қуриш қоидалари" талабларга мувофиқ ерга уланиши керак.

3.12. Кўчма ёки ташувчан ток қабул қилувчиларни улаш учун эгилувчан симлар, кабеллардан фойдаланиш ва уларни механик шикастланишдан ҳимоя қилиш зарур.

3.13. Ҳар бир стенд ХЎМ (ҳимоя ўчириш мосламаси) бўлган гуруҳ электр панели билан жиҳозланган - ЕИҚҚ талабларига мувофиқ ва ёритиш тармоғи ва технологик ускуналарнинг электр таъминоти тармоғи шунингдек, кун бўйи электр таъминоти кучланишини таъминлаш керак бўлган ускуналар (музлатгичлар, факслар ва бошқалар) тармоғи, тегишли ҳисоблар асосида кучланишларни хаддан ташқари оқимлар ва юқори кучланишдан ҳимоя қилувчи алоҳида қурилмалар билан жиҳозланган бўлиши керак.

3.14. Электр қувватни тақсимлаш ва кириш қурилмаларига эркин кириш йўлини таъминлаш керак.

3.15. Стендларни ёритиш учун ёнғинга хавфли хоналарга ўрнатишга мўлжалланган электр ёритгичлардан (светильник) фойдаланиш керак. Органик шиша, полистирол ва бошқа ёнувчан материаллардан тайёрланган ёритгичларнинг ёруғлигини тарқатиш мосламасидан фойдаланишга рухсат берилмайди.

3.16. Электр монтаж ишлари тугагандан сўнг, қурувчининг масъул шахси электр ишларини бажариш сифатини текширади ва «Ўзэкспомарказ» МКК» АЖ электр монтери билан биргаликда режа-схемага мувофиқ электр таъминоти манбаасига улаш ишлари амалга оширади.

3.17. Кўргазма тугагандан сўнг электр таъминоти манбаасидан узиш «Ўзэкспомарказ» МКК» АЖ электротехника ходимлари томонидан электр жиҳозларини демонтаж қилиш учун масъул шахсининг буюртмасига биноан амалга оширилади.

3.18. Стенд электр жиҳозларини тегишли электр манбаидан ўчириш ва демонтаж қилиш ишлари монтажни амалга оширган ходимлар томонидан бажарилади.

3.19. Электротехника ишлари (стендлар ва кўргазмаларни қувват манбаларига улаш), сиқилган ҳаво билан таъминлаш бўйича ишлар, шунингдек, барча сантехника ишлари фақат «Ўзэкспомарказ» МКК» АЖ мутахассислари томонидан амалга оширилади.

3.20. Қурувчи стендларни монтаж (демонтаж) қилиш ишларида электр асбобларини қувват манбаига улаш учун кўргазма павильонларининг периметри бўйлаб жойлашган стационар электр розеткаларидан (220 В 16 А) фойдаланади.

3.21. Электр двигателлар, бошқарув мосламалари, тартибга солиш ва ишга тушириш, назорат, ўлчаш ва ҳимоя қилиш ускуналари, ёрдамчи ускуналар ва симлар "Электр қурилмаларини ўрнатиш қоидалари"га мувофиқ зоналар синфига мос келадиган ва ҳимоя даражасига, шунингдек, қисқа туташув ва юқори кучланишдан ҳимоя қилиш мосламаларига эга бўлиши керак.

3.22. Электр қурилмаларини ишлатишда қуйидагилар тақиқланади:

- ишлаб чиқарувчиларнинг тавсияларига (кўрсатмаларига) мос келмайдиган ёки ёнғинга олиб келиши мумкин бўлган носозликлар мавжуд бўлган электр мосламалари ва қурилмаларидан фойдаланиш, шунингдек изоляцияси шикастланган ёки ҳимоя хусусиятларини йўқотган симлар ва кабелларни ишлатиш, бурмаланган симлардан фойдаланиш;

- Ёнувчан юзага розеткалар, автоматлар, ўчиргичлар, рубильниклар ва шу каби қурилмаларни ўрнатиш;

4. Қўшимча шартлар

4.1. Қурувчи «Ўзэкспомарказ» МКК» АЖ мол-мулки ва бошқа экспонентларга шикаст етказган тақдирда, тўлиқ моддий жавобгарликни ўз зиммасига олади.

4.2. Агар юқорида кўрсатилган ёки меҳнат муҳофазаси, техника ва ёнғин хавфсизлиги элементар қоидаларига риоя қилинмаса, «Ўзэкспомарказ» МКК» АЖ (ташкилотчилар билан олдиндан келишилган ҳолда) монтаж ишларини қоидабузарликлар бартараф этилгунга қадар тўхтатиб туриш ҳуқуқига эга.

4.3. «Ўзэкспомарказ» МКК» АЖ масъул ходимлари томонидан кўргазма стендлари ва экспозицияларини қуриш бўйича келишилган лойиҳалар бўйича ёнғин хавфсизлиги нормаларидан четга чиқишлар аниқланган тақдирда, бу ҳақида қурувчининг вакилини хабардор қилади ва оғишларни бартараф этиш бўйича далолатнома ва кўрсатмалар тайёрлашда иштирок этади.

4.4. Қурувчи «Ўзэкспомарказ» МКК» АЖ қурувчининг бевосита айби билан юзага келиши мумкин бўлган барча йўқотишларни қоплаш мажбуриятини олади.

4.5. Қурувчи «Ўзэкспомарказ» МКК» АЖ нинг ёзма розилигисиз ишлаб чиқувчининг ҳуқуқ ва мажбуриятларини учинчи шахсларга бермаслик мажбуриятини олади.

4.6. Қурувчидан ёпиқ жиҳозланмаган кўргазма майдонига буюртма берган иштирокчилар «Ўзэкспомарказ» МКК» АЖ билан келишмасдан индивидуал стендларнинг элементлари сифатида стандарт кўргазма ускуналаридан ("Октанорм" ва "Махима" турлари) фойдаланишга ҳақли эмас.

4.7. Қурувчи ижарага олган стенд жиҳозларини тоза ҳолда (ёпишқоқ оракал, стикер, скождан тозаланган ҳолда) топширишни ўз зиммасига олади.

4.8. Қурувчи кўргазма майдонларидан, «Ўзэкспомарказ» МКК» АЖ мол-мулкидан нотўғри фойдаланганлиги учун жавобгардир ва техника хавфсизлиги талабларига риоя этилишини назорат қилади.

4.9. Қурувчилар томонидан юқорида кўрсатилган қоидалар, меҳнат муҳофазаси ва ёнғин хавфсизлиги қоидалари бузилган тақдирда, «Ўзэкспомарказ» МКК» АЖ томонидан қоидабузарликларни кўрсатувчи далолатнома тузилади. "Қоидабузарликлар тўғрисида"ги далолатнома асосида қурувчига базавий ҳисоблаш миқдорининг 50 (эллик) бараваригача бўлган миқдорда жарима солинади, шунингдек, қурувчи "қора рўйхат"га киритилади, унга кўра қурувчи «Ўзэкспомарказ» МКК» АЖ ҳудудида 3 (уч) йил ичида қурилиш ишларини амалга ошириш ҳуқуқини йўқотади.

Муҳим!!!

Кўргазма стендларини монтаж/демонтаж қилиш кунлари иш вақти соат 09:00 дан 18:00 гача белгиланган.

Кўргазма очилиш кунидан олдинги куни (кириш куни) иш вақти соат 09:00 дан 21:00 гача белгиланган.

Агар қурувчи белгиланган муддатдан ўтиб ҳам монтаж/демонтаж ишларини бажариши керак бўлса, «Ўзэкспомарказ» МКК» АЖнинг тасдиқланган стандартларига мувофиқ қўшимча муддат ишлаши учун тўловни амалга ошириши лозим.

«Ўзэкспомарказ» МКК» АЖ ҳудудида фавқулодда вазиятлар юзага келганда ёки ёнғин хавфсизлиги ва техника хавфсизлиги қоидалари талаблари билан боғлиқ саволлар бўлса мурожаат қилинг:

Фавқулодда вазиятлар ва ёнғин хавфсизлиги бўйича масъул – Халмат Багадиров

Телефон: +998 90 9006272

Техника хавфсизлиги бўйича масъул – Ботир Тиллаходжаев

Телефон: +998 94 6681991

Кўргазмалар ва кўргазма хизмати бўлими:

Телефон +998 71 2385600

Кўргазма номи: _____

Қурувчи компания: _____

Ходимлар рўйхати:

№	Ф.И.Ш.	Паспорт серияси ва рақами	№	Ф.И.Ш.	Паспорт серияси ва рақами
1			6		
2			7		
3			8		
4			9		
5			10		

Компания тенди: _____

Масъул шахс _____

Ф.И.Ш

Юқоридаги талабларни ўқиб чиқдим ва уларга риоя қилишга розиман _____

ИМЗО

Тел. _____

Кириш санаси: _____ 2026 й.

Сана: _____ 2026 й.